3. I.G.Gorlina. The Art of the Choreographer. Tashkent. «Fan ziyosi». 2022 y.
4. R.Zakharov. Ballet Master's notes. Moscow, 1976 y.
5. A.V.Melekhov. The art of the choreographer. Composition and staging of the dance. Ekaterinburg 2015 y.

REZYUME. Ushbu maqolada raqs kompozitsiyasini yaratish uchun professional va akademik jihatdan to‘g‘ri texnikani o‘rganish ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, kompozitsiya so‘zining ta’rifi, dramaturgiya va raqs naqshining ta’rifi haqida ma’lumotlar berilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается изучение профессиональной и академически правильной методики построение и создание композиции танца. А также дается определение слову композиция, определение драматургии и рисунка танца.

SUMMARY. This article examines the study of professional and academically correct methods of building and creating a dance composition. And also the definition of the word composition, the definition of drama and dance pattern is given.

«УСТОЗ ТАҚДИРИ» СПЕКТАКЛИДА ЗАМОНДОШ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ

А.Е.Исмайлов –*ассистент ўқитувчиси*
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: театр, драматург, актёр, режиссёр, спектакль, репертуар, декорация
Ключевые слова: театр, драматург, актёр, режиссёр, спектакль, репертуар, декорация
Key words: theater, dramaturg, actor, director, play, repertoire, decoration

2019 йилнинг охирларида ва 2020 йилнинг бошларида «тождор вирус» номи билан машҳур бўлган кўринмас бало бутун дунё халқларини ҳавотирга солиб қуйди. Бу вируснинг кириб бормаган элати бўлмаса керак. Натижада пандемия ҳолати жорий этилди. Касаллик инсонларни нафақат довдиратиб қуйди, балки, нечча минг инсонларнинг ёстиғини қуритти. Дунёдаги мана-ман деган илм аҳли бу вирусга қарши кураша олмай, боши қотти. Пандемия кўламининг кенгаймслиги учун кўпчилик давлатларда комендатлик соатлари жорий этилди. Бу ҳолат эса одамларни уйдан чиқмасликка, ишчиларнинг масофадан туриб ишлашларига, таълим олувчиларни ҳам масофадан туриб ўқитишга мажбур қилди. Бутун дунё бўйлаб содир бўлган бу жараён кўпчиликни теран ўйлантирди. Ўзига, оиласига вақт ажрата олмай ишга кўмилган ишчи инсонлар, бироз тин олиб, атрофга назар ташлай бошлади. Инсоният ўзи қизиқ-да, унинг ақл-идроки шу қадар ривожланиб кетганки, оқибатда улар коинотни ҳам эгаллай бошлаяпти. Ер қазилиб, турли бойликлар қазиб олинаяптию, ўрни тўлмай, ер силкинишлари бўлаяпти. Осмон қатламлари қайта-қайта тешилиб, климат ўзгариб боряпти. Мана шундай шиддатли ҳаракатларга «Бироз тин олгин!» дегандек, тождор вирус пайдо бўлди, назаримизда. Йўқорида тилга олинган ҳолатлар асосан ижод аҳлини таъсирлантириб, бу уларнинг ижод намуналарида ўз аксини топди. Мўйқалам эгалари бўлаётган жараёнларни расмларида тасвирласа, мусиқачи ва хонандалар куй ва қўшиқларида акс эттирди.

Драматург, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби П.Айтмуратов ҳам бу мавзуга бефрақ бўла олмади. У ўзининг «Устоз тақдири» драмасида пандемияни ёритди. Пьесада асосан ўқитувчи Йўлдош ва унинг ўқитувчилик фаолияти, шунингдек, унинг аёли - шифокор Гулзабираниг ҳам пандемия давридаги иш фаолияти ҳақида сўз бўлади.

Мазкур драма Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри томонидан. 2021 йили томошабинларга тақдим этилди. Спектаклни ёш режиссёри Умирбек Бектурғанов сахналаштирди. Асарнинг саҳнавий талҳинини муҳокама қилишдан аввал унинг қоғоздаги варианти билан ҳам танишиб чиқиш зарур. Чунки муаллиф ёритган мавзу ғоясини режиссёр томошабинга етказа олдими? ёки муаллиф эътибор қаратмаган жиҳатларини режиссёр ҳисобга олиб, уни янада таъсирлироқ этиб ёритдими? - деган саволларга жавоб топиш учун ҳам асарни ўзи билан танишиб чиқиш лозим. П.Айтмуратовнинг «Устоз тақдири» пьесаси драма жанрида ёзилган бўлиб, пьеса бошида

илмлилик мавзуси кўтарилган бўлса, воқеалар ривожида муҳаббат, оила, меҳр-оқибат, таълим-тарбия ва пандемия мавзулари билан бойитилади. Асар ғояси эса инсонларни илмли бўлишга, таълим билан бирга тарбиянинг ҳам муҳимлигини англашга, сабр-бардошли бўлишга, ҳар қандай шароитда инсонийликни йўқотмасликга, шунингдек, Устоз мақомига доимо ҳурмат билан қарашга даъват этади.

Инсон камолатга етиб, бирор бир касбнинг етук мутахассиси бўлар экан, эътибор бериб кузатилса, унинг бу касбга бўлган қизиқиши болалигидан бошлангани маълум бўлади. Спектакльда ҳам Йўлдошнинг мактабни тугатиб, қишлоқдан Тошкентга келиб ўқиш орзуси борлиги спектакль бошида айтилади. Унга тадбиркор амакиси қаршилик кўрсатади, яъни уни «Сенга Тошкентда ўқишга йўл бўлсин» дея, масхара қилади. Бу учун ўзидан пул сўраб келган Йўлдошни «пулим йўқ» деб, қувиб солади. Инсон чин дилдан ҳоқласа ва мақсади сари дадил қадам ташласа, имкони йўқ нарсани ўзи бўлмас экан. Спектакльнинг иккинчи кўринишида Йўлдош Тошкентда ўзи хоқлаган билим юрти талабаси бўлади. Тўғри у пулдан сал қийналади, лекин ўқишидан бўш пайтлари меҳнат қилиб, ўзини ўзи таъминлайди. Воқеалар ривожида Йўлдош ўқиши даврида ўзининг бўлғуси ўмр йўлдоши Гулзабирани учратади. Икки қалбнинг гўзал учрашув онларида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғитсон халқ шоири И.Юсуповнинг «Сенинг йигит вақтинг, менинг қиз вақтим» шеьри қаҳрамонлар тилидан айтилади ва уларнинг севги ришталари оила аталмиш муқаддас ришгага улашади. Спектакль бошида ўткир конфликтлар учрамайди. Лекин 5-кўринишда, яъни Йўлдош олийгоҳни тугатиб, қишлоғига тарих фанидан ўқитувчи бўлиб қайтиб келган вақтдан қаршиликлар пайдо бўла бошлайди. Мактабда издан чиққан таълим тизими, айрим ўқувчиларнинг муаллимларга беписанд қарашлари Йўлдошни ҳайратлантиради. У босиқлик билан ўқувчиларни тарбиялай бошлайди. Бу эса унинг муаллимларни менсимаган ўқувчи ва унинг отаси билан конфликтга боришига сабаб бўлади. “Ўғлими ўқувчилар орасида обрўсизлантирди, шунинг учун ўғлим уйга келмади, у қаёқда?” дея мактабга дўқ уриб келган отага бюрократликка бош эгиб ўрганган мактаб директори ва синф раҳбарининг айбдордек бош эгиб турганини кўрган Йўлдош чидай олмайди ҳамда ўзининг билми ва ҳақ-хуқуқларини айтиб ҳали ўзига тарбия керак бўлган отанинг попугини пасайтиб қуяди. Муаллиф Марат образи орқали, бир вақтлари таълим тизимида бўлган камчиликлар, ҳатоликлар ҳақида айтмоқчи бўлган, назаримизда. Чунки, ўша вақтларда мактаб ўқувчиси билан бирор ҳол юз берса, юз берган ҳолат мактаб дарси вақтидан бошқа пайтта бўлганда ҳам унга ўқитувчи балогардон эди. Барча айб ўқитувчиларга тўнкаларди. Холбуки, бу ҳолат ўқиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам. Ўқитувчиларга таълим беришдан кўра, уларни ҳар тарафлама назорат қилиш асосий иш вазифаси этиб юклатилган эди. Фикримизча, ушбу саҳна кўриниши орқали Марат образига ўхшаш ота-оналар учун бу дарс бўлишини, бу ҳолат бола келажаги учун яхши бўлмаслигини англатмоқчи бўлган. Спектакльда пандемиянинг бошланиши перепетиянинг юз беришига сабаб бўлади. Инсонларнинг бир маромда кетаётган ҳаёт тарзи ўзгариб кетади. Йўлдошнинг тадбиркор амакиси чет элдан вирус орттириб, касалхонага тушади. Шифокор Гулзабира ҳам касб тақозаси туфайли ҳафталаб касалхонада қолиб кетади. Режиссёр ушбу саҳна орқали пандемия даврида кўринмас дард билан курашган шифокорларнинг фаолиятини кўрсатишга ҳаракат қилган. Тўғри, шифокор ҳам инсон, унинг ҳам ҳаёти, оиласи ва яқинлари бор. У ҳам барча қўрққан вирусдан қўрқади. Лекин режиссёр шифокор қандай вазият бўлмасин ўз қасамёдига содиқ бўлишини Гулзабира образи орқали кўрсатган. Спектакль бутун жаҳон бўйлаб тарқалган коронавирусга қарши курашган ва шу фаолияти вақтида вафот этган тиббиёт ходимларининг ҳар бири замон қаҳрамонлари эканлигини тасдиқлагандек, назаримизда. Спектаклда Гулзабиранинг уйига қайта олмай, фарзанди ва эри Йўлдош билан фақат видео алоқа орқали мулоқот қилганида юзи кулиб, қалби йиғлаган, соғинч азоби қийнаган ҳолатлари томошабинни таъсирлантирса, унинг ҳалок бўлиши томошабинни баттар қайғуга солди. Шифокорлар ва ҳамшираларнинг касаллик юқтириш ҳолатлари, айримларининг касаллик туфайли ўлим топиши фақат спектаклда эмас, реал ҳаётда ҳам юз берганига гувоҳмиз. Шунинг учун ҳам спектаклнинг томошабинга таъсир даражаси кучлироқ сезилади. Лекин, биз замондош қаҳрамон образига мос кўраётган

Гулзабирани, у билан боғлиқ воқеаликлар, конфликтлар, ички кечинмларининг бироз етарли эмаслигини англадик. Спектакль сўнггида коронавирус туфайли вафот этган элга таниқли инсонларнинг расми тепадан штангет орқали туширилади. Расмларга ҳарир парда тортилган. Йўлдош ва қизи келиб расмдаги пардаларни очиб, уларга таъзим қилади. Мана шундай таниқли инсонларнинг портрети олиб чиқилиб, уларни эсга олган яхши, лекин улар ўртасида жойлашган Гулзабира - театр актрисаси А.Раметуллаеванинг портрети қўйилиши ҳолати ноаниқликни вужудга келтирган. Сабаби, расмлардаги инсонлар ҳаётда ҳақиқаттан ҳам яшаб ўтган. Лекин Гулзабира образи баадий тўқима маҳсулику. У спектакльда яшаган, лекин реал ҳаётда йўқ. Фақат шу образга ухшаш одамлар ҳаётда учрайди. Режиссёрнинг эпилогни мана шундай тарзда кўрсатиши томошабин ҳаёлида йўқоридаги каби сўроқларни пайдо этган бўлса, ажаб эмас.

Режиссёр У.Бектурғанов спектакль учун актёрларни тўғри танлай олган. Йўлдош ролидаги театр актёри Пазилбек Толегенов ўз қаҳрамонининг ички кечинмаларини, характерларини тўлиқ ўрганган. Йўлдош ҳаётда жуда очиқ кўнгил бўлгани билан, адолатсизлик юзага келганда ўз позициясида тура биладиган қатийятли йигит. Яъни ҳақиқат учун курашиб, тортишиб, атрофидагиларни кўзини очиб юрадиган ҳақгуй инсон. Гулзабира ролидаги театр актрисаси Алима Раметуллаева ўз роли учун тўғри танланган.

У ўзининг нафосати, актёрлик маҳорати билан Гулзабира образини чиройли очиб берди. Томошабинлар Гулзабирага яхшигина меҳр қўйганлиги, спектакль сўнггида билинди. Унинг ҳалок бўлиши томошабинларда ачиниш ҳиссини уйғотиб, кўзларига ёш қалқитти. Миллати қозоқ, катта ер эгаси Жубатқан ролини ўйнаган актёр Жумабай Бердибеков томошабинларда яхши таасурот қолдирди. Жубатқан бой-бадавлат, катта ерлари бор ўзига тўқ инсон. У жуда қайсар бўлгани билан меҳр-шавқатли, оққўнгил одам. Спектаклда эпизод ролига биз шунчаки назар билан қарамаслигимиз зарур, сабаби, у конфликтларнинг пайдо бўлишига асос бўладиган воқеаликларни бошлаб бериши мумкин. «Устоз тақдири» спектаклида ҳам эпизод ролида намоён бўладиган Марат ўзининг қўполлиги, инсонларни табақага ажратиши каби аҳлоқсизлиги орқали мактабда уруш-жанжал кўтаради. Марат образини яратган актёр Ш.Даулетмуратовнинг ўқитувчиларга қўполлик қилиш, менсимай мулоқат қилиш саҳналари ишонарли чиққан. Шу сабабли ҳам у томошабинларда Марат образига қаҳр-ғазаб туйғусини шакллатира олди. Спектаклда деярли декорацияни кўрмаймиз. Фақат йўқоридан пастга тушиб турган арқонлар дастлабки кўринишларда алоҳида кўринса, спектакль сўнггида улар биригиб турибди.

Режиссёр арқонларни персонажларнинг ҳаёт йўлларига таққослаган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоиз, муаллиф драмани ёзиш жараёнида таълим-тарбия ва пандемия мавсузини ёритиш асносида замондош қаҳрамонларни яратди. «Устоз тақдири» спектаклининг бош қаҳрамонлари Йўлдош ва Гулзабирани замондош образлар дея айта оламиз (агар воқеаликлар янада ривожлантирилганда, бу гапни “шубҳасиз” дея тўлиқтириб айтган бўлардик). Лекин спектаклнинг театр репертуаридаги ўмри узоқ дея айта оламизми? Спектакль 2021-2022 йиллар ўз томошабинини ушлаб тургани ҳақиқат. Чунки, бу даврда пандемия бутунлай инсонлар ҳаётини тарк этиб ўлгурмаган эди. Ҳатто «Устоз тақдири» спектакли 2021 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси бўйлаб «Йилнинг энг яхши спектакли» дея эътироф этилди. Лекин, орадан йиллар ўтиб, пандемия ҳолати тугаганидан сўнг, спектакль ўз томошабинини топа олармикан? Буни эса албатта, вақт кўрсатади.

Адабиётлар

1. Ансатбаев Н. Театр ва актёр. Тошкент, 2020 й.
2. Айтмуратов П. Алпыс асқар. – Тошкент, 2021 й.
3. Дарушова Д. Устаз тәғдири. Қарақалпақстан мәденияты газетасы. 2020 йил 3 октябрь, 40-41-сонлари.

РЕЗЮМЕ. Мақола Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган «Устоз тақдири» драмаси ва ундаги замондош образларнинг талҳини ҳақида.

РЕЗЮМЕ. В статье речь идет о драме «Судьба учителя», поставленной в Каракалпакском государственном театре юного зрителя, и вкусе современных персонажей в ней.

SUMMARY. The article is about the drama "The Fate of a Teacher", staged at the Karakalpak State Theater for Young Spectators, and today's heroes in it.

UDK.3172-32 (2024)

QARAQALPAQ MUZÍKA MÁDENIYATÍNÍŃ RAWAJLANÍW JOLLARÍ

A.Shınıbekov - *oqıtıwshı*
Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat institutı Nókis filialı

Tayanch so‘zlar: san’at, madaniyat, musiqa, bastakor, musiqiy asar, milliy me’ros, koncert.

Ключевые слова: искусство, культура, музыка, композитор, музыкальное произведение, национальное наследие, концерт.

Key words: Art, culture, music, composer, musical work, national heritage, concert.

Kórkem óner hám mádeniyat hárbir milletti dúnyaǵa tanıtatuǵın zárúrli faktor ekenligin húrmetli Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev mudamı itibar etip kelgen. [1.12] Buǵan baylanıslı húkimetimiz tárepinen jas áwladlarımızdı hár tárepleme aldıńǵı hám jetik etip tárbiyalaw boyınsha kóplegen nátiyjeli jumıslar alıp barılmaqta. Atap aytqanda, keleshek áwladqa muzıka sırların úyretiwi boyınsha ustazlar járdeminde bilimlerin asırıwı, óziniń atqarıwshılıq sheberligin olardıń kórinisleri ushın barlıq shárt-sharayatlar jaratıp berilip atır. [1.12] Babalarımızdan bizge bay hám úlken miyras qalǵan, onı nasiyat etiw, muzıka kórkem óneri dástúrlerin dawam ettiriw, jáhán ulgilerine juwap bergen halda jas áwladlarımızdı tárbiyalaw hám jetik qánigeler etip jetistiriw búgingi kún dáwir talabı bolıp tabıladı.

Húrmetli Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev tárepinen házirgi kúnde de, Ózbekstan jasları, kompozitor hám dóretiwshileri atqarıwshıları hám kórkem óner úlgileri ushın qábiletlerin kórsetiw ushın keń jol ashıp berip atır. Xalıqaralıq maydanda ótkerilip atırǵan konferenciya tańlawlar, festival hám túrli olimpiadalar, sırt elden dúnyanıń tanıqlı kórkem óner ǵayratkerleriniń mámleketimizge saparı, Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası, respublika boylap muzıka mákanlarında ótkerilip atırǵan kontcertler, dóretiwshilik kesheleri, milliy kompozitorlıq mektep orının bekkemlewde hám jurtımızda professional atqarıwshılıq kórkem óneri, ilimiy rawajlanıwına óz úlesin qosıp atır. [2.64] Uqıplı jaslarımız Ózbekstan poziciyasın joqarıǵa kóterip jeńimpazlıq platformaǵa kóterilip atır. Joqarı sıylıqlardı qolǵa kiritip Ózbekstan hám Qaraqalpaqstan muzıkasın jáhán saxnalarında nasiyat etken dóretiwshilerimiz bar ekenligi álbette quwanıshlı. Haqıyqattan da, milliy hám zamanagóy muzıka kórkem óneriniń tań qalarlıq hám ráńbárań usıl hám kórinislerine iye bolǵan ulgileri tiykarında eń jaqsı ǵáziyne úlgilerin úyrenip nasiyat etiw, hárbir mámlekettiń materiallıq orın hám dárejesin belgilewde bas faktor bolıp qaladı.

Jas awladtıń muzıkalıq uqıbın hám mádeniyatın kóteriw maqsetinde, mámleketimizdiń hárbir qala-rayonında muzıka hám kórkem óner mektepleriniń iskerlik kórsetiwi názerde tutılǵan. Ózbekstanda professional muzıka kórkem óneri rawajlanıwı procesinde kompozitorlıq dóretiwshiligi bólek áhmiyetke iye boladı. Tuwrısında, kompozitorlıq dóretiwshiligi kóp dawıslı muzıkalıq janrlarǵa shaqırıq etiwi, jáhán muzıka mádeniyatın tereń úyreniw waqtında óz milliy progressiv jolın belgilewin talap etedi. Milliy kompozitorlıq mekteplerdiń qáliplesiwi hám rawajlanıwı sol tariyxıy basqıshlar tiykarında ámelge astı. Tikkeley usı mekteplerdiń ayrıqshalıǵı, milliy túsin belgilewde sol mekteplerdiń quramına kirgen dóretiwshilerdiń nátiyjeli dóretiwshilik jetiskenlikleri belgilep berdi. [3.90-91]

Hárbir kompozitor uqıbınıń jaqtı qırları ol jaratqan muzıkalıq shıǵarmalarında gewdelenip, milliy hám ulıwma insanıylıq ideya hám temalardı, ayrıqsha dóretiwshilik talqını hám kórkem kórinisinde tıńlawshılarǵa kórinetuǵın etedi. Buǵan baylanıslı hárbir avtordı málim janrǵa hám dóretiwshilik usılına óz jumısına bolǵan jantasıwı hám biyimligi tikkeley dóretiwshiniń sanasın, milliy oylawı, mádeniyatı, alǵan bilimi hám kórkem sezimin qáliplesiwi sıyaqlı kriteryalarǵa barıp taqaladı.

Opera janrı, onıń tariyxıy rawajlanıwı hám búgingi kúnde qaraqalpaq kompozitorlıq